Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensi... DOI: 10.5281/zenodo.24316675

1..Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

2. Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма. Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013. – 248 с. ва бошқалар.

3. Зорин И.В. Теоретические основы профессионального туристского образования: монография. – М.: Сов.спорт, 2001. – 264 с. ва бошқалар;

4. Кабушкин. Н.И. Менежмент туризма: Учеб.пособие. – Мн: БГЭУ.1999, - 644с.

ХУДУДИЙ ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Назарова Барно Ўсарбоевна
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Тошкент шаҳридаги Alfraganus университетининг
Халқаро туризм менежменти
кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация. *Ушбу мақоламизда худудий туризм корхоналарида бошқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган бўлиб, унда мамлакатимиздаги бозор муносабатларининг шаклланиши, таъсир этувчи омиллар ва ривожлантириш кўринишлари хақида фикр билдирилган.*

Калит сўзлар: *Мамлакат, бозор, ички ва худудий, туристик, чизиқли алоқалари бошқарув қарорлари, ишчи кучи,бош менежер.*

Ички ва халқаро худудий туризм ривожланиши тартибсиз равишда содир бўлмайди. Бу бошқарилиши лозим бўлган инсон фаолиятининг махсус шаклидир. Худудий туризм соҳасида бошқарув жараёнларининг ривожланишига ижтимоий-иқтисодий, техник ва технологик омиллар таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари томонидан йўналтириладиган даромадларсиз соҳанинг кенг кўламдаги фаолиятига эришиб бўлмайди, шу нуқтаи назардан ушбу жараённинг бошқарилиш воситаси ҳам мавжуд бўлмайди.

Бошқарув жараёнлари бўйича туристик ташкилотлар олдига иккита ўзаро боғлиқ муҳим вазифа қўйилади:

- худудий туризм бошқарувига бозор муносабатлари мазмунини сингдириш, яъни бозор муносабатларини соҳа амалиётига тўлиқ киритиш;

- жаҳонда шу йўналишда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда худудий туризм соҳасидаги янгиликларини шароитга мослаштириш.

Бугунги тараққиёт жараёнида иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб бораётган худудий туризм соҳаси, жумладан, соҳанинг ички

Published: 17.05.2024

Cite this article: Назарова Барно Ўсарбоевна (2024). Худудий туризм корхоналарида бошқариш жараёнлари. Emro Science and Education, 1(3). https://doi.org/10.5281/zenodo.24316675

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

худудий туризм йўналиши ҳам миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари билан чуқур алоқадаги тизим ҳисобланади.

Ички худудий туризм тизимлари ва корхоналари фаолиятида ҳам бошқарувнинг анъанавий шаклида кўрсатиб ўтилган бошқарув қонунлари ва тамойилларига амал қилади, ички худудий туризм фаолияти билан шуғулланувчи тузилмалари ҳам умумий белгиланган бошқарув мақсадлари, функциялари ва вазифалари доирасида фаолият кўрсатади. Бироқ, ички худудий туризм фаолиятини бошқариш жараёнлари иқтисодиётнинг бошқа тизим ва корхоналаридан фарқланувчи ўзига хос жиҳатларга ҳам эгадир. Ички худудий туризм фаолиятида ҳам худудий туризмнинг бошқа йўналишлари каби менежментнинг асосий вазифаси умумий тенденция ва унинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш ҳамда ўзига хос томонларини топишдан иборат.

1-жадвал

Туристик корхоналарда қўлланилувчи бошқарув тузилмалари турларининг қиёсий таҳлили

Таққослаш белгилари	Бошқарув тузилмалари турлари	
	Иерархик	Адаптив
Қурилиш асоси бўйича	Аниқ белгиланган иерархия	Иерархиянинг мавжуд эмаслиги
Бошқарув турига кўра	Моноцентрик, доимий	Полицентрик, вазиятга қараб раҳбар алмашинуви
Алоқаларнинг устун турлари	Вертикал	Горизонтал
Муносабатларнинг шаклланишига кўра	Аниқ белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар	Меъёр ва қадриятларнинг ўзгарувчан тизими
Меҳнатни ташкил этиш бўйича	Вазифаларнинг қатъий тақсимланиши	Вазифаларнинг гуруҳларга вақтинча бириктирилиши
Кутилган натижаларга эришиш бўйича	Самарали лойиҳаланган асос	Ходимлар ташаббуси ва ўз-ўзини бошқариш

Ички худудий туризм фаолиятини бошқариш жараёнларида менежментнинг қонунлари (ихтисослаштириш, интеграция, марказлаштириш, демократлаштириш ҳамда вақт қонунлари), шу билан бирга бошқарув тамойиллари (яккабошчилик ва коллегиаллик, илмийлик, режалилик, бошқарув шакл ва усулларини такомиллаштириб бориш, кадрлар танлаш ва жойлаштириш, агентларнинг мустақиллиги ва эркинлиги, шахсий ташаббус ҳамда жавобгарлик ва таваккалчилик) умумий ҳолда амал қилиб, улар бошқа тармоқлардаги ҳолатдан соҳадаги фаолиятни ташкил этишдаги хусусиятлардан келиб чиқиб фарқланади.

Бугунги кунда туристик корхоналарда фаолият йўналиши ва корхонанинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда иерархик (чизиқли, функционал, чизиқли-функционал ва бўлинмали) ва адаптив (мослашувчан) бошқарув тузилмалари турларидан кенг фойдаланилади (1.-жадвал).

Бошқарувнинг чизиқли алоқалари бошқарув қарорлари ва маълумотларнинг чизиқли ҳаракатини акс эттиради. Бу энг содда бошқарув

тузилмаларидан бири бўлиб, у ҳар бир таркибий бўлинманинг бошида катта ваколатларга эга ва барча бошқарув функцияларини бажарадиган бошқарув бўғини борлиги билан тавсифланади.

Ташкилий бошқарув тузилмасининг шаклланиши ички худудий туризм корхоналарида мослашувчан шароитларда оптимал қарорларни қабул қилинишини таъминлайди. Бошқарув қарорлари жараёнда иштирок этувчи бошқарув тузилмаси ёки бошқарувчи фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Бошқарув жараёнларининг самарадорлиги аниқ ҳолат ва вазиятлар учун қўлланилаётган бошқарув усулларига боғлиқ. Бошқарув усули – бу корхона ёки унинг бўлинмасига юкланган вазифаларни ҳал қилиш учун мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш учун бошқарув ва бошқариладиган тизимларнинг тизимли ва мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминлайдиган бошқариладиган объектга таъсир қилиш усуллари тизими ҳисобланади.

Бошқарилувчи субъектларга икки асосий йўл билан таъсир кўрсатиш мумкин: мажбурлаш ва рағбатлантириш орқали. Биринчи йўлда бошқарилувчи ундан талаб қилинган нарсани бажаришга мажбур бўлса, иккинчисида - талаб қилинган нарсани амалда бажаради, чунки унинг ўзи ушбу жараён натижасига қизиқади.

Ички худудий туризм корхоналари фаолиятини бошқариш самарадорлиги умумий ҳолда қуйидагилар билан белгиланиши мақсадга мувофиқ:

- юқори сифатли инновацион рақобатбардош миллий худудий туризм маҳсулотини ишлаб чиқиш, рағбатлантириш ва жорий этиш;
- туристик фаолият хавфсизлигини таъминлаш;
- худудий туризм ташкилотчилари ва давлат бошқарув тузилмалари ўртасида яқин алоқани шакллантириш;
- фаолиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи туристик расмиятчиликларни, солиқ ва бошқа қийинчиликларни бартараф этиш;
- туристик маҳсулот ва хизматлар истеъмолчиси ҳамда ишлаб чиқарувчилар ўртасида мувозанат қарор топишига йўналтирилган нарх сиёсатини шакллантириш;
- замонавий ахборот технологияларидан реклама фаолияти ҳамда электрон бизнес орқали савдони оширишда кенг фойдаланиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда туристик бизнесни юритиш;
- худудий туризм фаолиятини самарали олиб бориш учун зарур бўлган соҳаларда маркетинг тадқиқотларини ҳар томонлама ташкил этиш ва ўтказиш;
- худудий туризм соҳасида ходимларнинг касбий даражасини яхшилаш.

Мамлакатнинг турли ҳудудларидаги мавжуд салоҳияти эътиборга олинадиган бўлса, туристик-рекреация ресурс компонентларининг сони ташриф буюраётган туристлар эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун етарли эмас.

Мамлакатимиз ҳудудлари бўйича санатор-курорт объектларининг сони 2011 йилда 149 тани, 2020 йилда 203 тани, ўсиш кўрсаткичи нисбати 54 тани ташкил этган.

Мамлакатимиз бўйича Фарғона вилояти энг кўп рекреация объектлари жойлашган ҳудуд сифатида эътироф этилади. Албатта, Фарғонанинг иқлими, ландшафти, ҳудудий жойлашуви ва бошқа талабларнинг шаклланганлиги билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Статистик маълумотларда ҳам кўриниб турибдики, 2011 йилда Фарғона вилоятида 25 та рекреация объектлари мавжуд бўлса, 2020 йилда эса 36 тани ташкил этган.

Ички туризм фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бу тарихий-маданий объектларга ташрифларни ўз ичга олиб, унинг таркибига зиёрат туризмининг асосий ресурс компоненти ҳисобланган муқаддас зиёратгоҳлар, тарихий-маданий обидалар ҳамда музейларга ташриф жараёнида кўрсатиладиган туристик хизматлар киритилади.

Сўнгги йилларда аҳоли орасида турли йўналишларда ташкил этилган тематик музейларга ташрифлар асосида мамлакатимизнинг табиий-географик, тарихий, технологик ва бошқа йўналишлардаги маълумотларини ўрганиш жараёни ҳам сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Ушбу жараён учун асосий ресурс компонент музейлар ҳисобланиб, 2011-2020 йилларда музейлар ва улардаги экспонатлар сони, ташкил этилган кўргазмалар ҳамда ушбу маълумотлар билан танишиш мақсадида ташриф буюрган мижозлар сонида ҳам ўзгаришлар юз бермоқда

Ички туризм фаолиятининг асосий ресурс компонентларидан бири бўлган музейлар фаолиятининг сўнгги 10 йилдаги кўрсаткичлари маълум вақт оралиқларида тебраниш тенденциясини кўрсатмоқда, яъни музейлар фаолиятини акс эттирувчи миқдорий кўрсаткичларнинг аксариятида 2013 йилгача пасайиш ва 2014 йилдан ўсиш юз берган бўлса, бу ўзгаришлар кейинги6 йил давомида яна икки марта тебраниш хусусиятига эга бўлган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар асосида умумий бошқарув йўналишларини белгилаб олиш ҳамда йўналишлар кесимида аниқланган вазифаларни изчил амалга ошириб бориш орқали маҳаллий, ҳудудий ва минтақавий бошқарув тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мамлакатнинг ички худудий туризм сиёсатини самарали жорий этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги қонуни, 20 август, 1999 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни. – Т.: 1998-йил, 2 декабрь.
3. Тухлиев И.С. ва бошқалар. Туризм асослари. Дарслик. -Тошкент, 2014, - 388 б.
4. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. - 424 с.

5. Назарова, Б. (2022). Ички туризм хизматларини яратиш субъектлар ва объектларнинг ўзаро алоқалари. *Международная конференция, посвященная роли и важности инновационного образования в 21 веке*, *1*(8), 110-115. Извлечено из https://openidea.uz/index.php/conf/article/view/210 ;
6. Назарова Б.У.Хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантиришда АКТ ролини ортиши. // Сб. тр. межд. научно-практ. конф. “Применение современных информационно комуникационнқх технологий в проведении реформ в новом Узбекистане”.-Андижан, 2021.-С.275-280;

СОТИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Салиев Баходир Комилович
ТДИУ доценти, и.ф.н.

Анотация: Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг махсулотлар, товарлар, иш ва хизматларининг сотиш хажмига таъсир этувчи ички хўжалик омилларини молиявий ҳисоботлари маълумотларига асосланиб эконометрик моделини тузишга харакат қилинган.

Калит сўзлар: Бухгалтерия баланси, активлар, хусусий капитал, мажбуриятлар, сотиш хажми, молиялаштириш манбалари, молиявий боғлиқлик, капитал рентабеллиги

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг устивор йўналишлари орасида “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” алоҳида муҳим ахамиятга эга бўлган масалалар қаторида кўрсатиб ўтилган. Унга мувофиқ “Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва унинг жон бошига кўрсаткичини 4 минг долларга етказиш”[1] назарда тутилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш хар бир хўжалик юритувчи субектлар фаолиятини рационал ташкил қилиш, янги техника ва технологиялардан оқилона фойдаланиш, мехнат унумдорлигини ошириш ва материаллардан самарали фойдаланиш ва бошқалар эвазига маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кескин оширишни талаб қилади.

Маълумки, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш хажмини ошириш юқорида номлари келтириб ўтилган омилларни алоҳида холда ўрганиш албатта муҳим ахамиятга эга. Лекин уларни ўзоро боғлиқликда ўрганиш ва барча ички ва ташқи омиллар эвазига фойдаланмаётган имкониятларни аниқлаш янада муҳимроқ аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектларни маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини чуқур ва атрофлича ўрганишдан асосий мақсад унинг ўсиш суръатини объектив баҳолашни таъминлашдир. Бу масалани хал килишда хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия баланси асосий маълумотлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Чунки, унда хўжалик юритувчи